

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

41-сон
(853)
2018 йил
15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

807. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–495-сон Қонуни
808. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–496-сон Қонуни
809. «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаш-

тирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ўРҚ–497-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

810. «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини содалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ–5552-сон Фармони
811. «Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПҚ–3965-сон қарори
812. «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон қарори

Учинчи бўлим

813. «Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 октябрдаги 821-сон қарори

Бешинчи бўлим

814. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 5-мб-сон «Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2479-1*)
815. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 августдаги 01-02/12-59-сон «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-1*)
816. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг

2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шоғирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3076*)

817. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 14 сентябрдаги 22-2018-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2945-1*)
818. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 24 сентябрдаги 243-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060-1*)
819. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 18-2018, 22-қ/қ, 122-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-1*)
820. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 129, 2018-73-сон «Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисобкитоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2902-1*)
821. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 2018-65-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077*)

822. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 сентябрдаги 29/8-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1497-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 6 октябрдан 12 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

807 **Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 12 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 11 октябрда эълон қилинган.

242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 72-модда:

биринчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

тўртинчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 74-модда:

биринчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 75-модда:

биринчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 76-модда:

биринчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **82-модда:**

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг:

диспозицияси «муҳофаза этиладиган ландшафтлар» деган сўзлардан кейин «шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **91-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«91-модда. Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш

Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) қуйидаги мазмундаги **91¹, 91² ва 91³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«91¹-модда. Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш

Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

91²-модда. Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш

Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

91³-модда. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **123-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш

Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш —

энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан бир бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **161-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **163¹-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

11) қуйидаги мазмундаги **163²-модда** билан тўлдирилсин:

«163²-модда. Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш

Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

12) **261-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг иккинчи қисмида (бундан қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисмида), 70-моддасида, 70¹-моддасининг биринчи қисмида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 72-моддасида (бундан термал ва ичимлик сувларига доир қисми мустасно), 73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (бундан ирригация тармоқларидан олинган сувларни ҳисобга олиш мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86, 87, 88, 89-моддаларида (бундан атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш мустасно), 89¹-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91, 91¹, 91², 91³, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экологик экспертизасига оид қисмида), 148-моддасида (бундан ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар мустасно), 162-моддасида, 163¹-моддасида (бундан уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш мустасно), 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-модда-

сида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир»;

13) қуйидаги мазмундаги **266⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«266⁴-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекс 72-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида (ичимлик эҳтиёжлари учун сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузишга оид қисмида), 74-моддасида (ичимлик суви олишнинг белгиланган лимитларини бузишга доир қисмида), 75-моддасида (сув объектларидан олинadиган ичимлик суви миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш қоидаларини бузишга оид қисмида), 76-моддасида (ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга доир қисмида), 163-моддасида (водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ва ичимлик суви таъминоти водопроводидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузишга оид қисмида), 163¹-моддасида (уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олишга доир қисмида), 163²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тарикасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий инспекцияларининг бош давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Чиқиндилар тўғрисида**»ги 362–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 40-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш** — чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳисобга олиш ва назорат қилиш, чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритиш, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, жойлаштириш, ташиш, зарарсизлантириш, сақлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**чиқиндиларни зарарсизлантириш** — чиқиндиларни нейтрал ҳолга келтириш, дезактивациялаш, дезинфекциялаш, демеркуризациялаш, чиритиш, ёқиб юбориш, термик жихатдан қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш билан боғлиқ фаолият»;

учинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектлари** — чиқиндиларни тўплаш, жойлаштириш, ташиш, зарарсизлантириш, сақлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш учун фойдаланиладиган объектлар»;

саккизинчи хатбошисидаги «кўмиб ташлаш» деган сўзлар «зарарсизлантириш» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чиқиндиларни сақлаш** — чиқиндилар зарарсизлантириш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш мақсадида олиб кетилгунига қадар уларни маҳсус жиҳозланган тўплагичларда сақлаш»;

2) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга риоя этиши; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқиндиларнинг ҳисобини юритиши, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши;

чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфлилик даражасини белгиланган тартибда аниқлаши;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши;

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига, йўлларнинг четига, қатнов қисмига қурилиш ва майший чиқиндилар ташланиши ҳамда жойлаштирилишининг олдини олиши;

чиқиндиларни тўплашни таъминлаши, ўзига тегишли бўлган биноларга яқин ёки туташ ҳудудларда қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинчалик сақлаш учун контейнерлар (кутилар) ўрнатиши;

ресурс қимматига эга ва утилизация қилиниши лозим бўлган чиқиндиларнинг лозим даражада сақланишини таъминлаши ҳамда уларнинг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймаслиги;

ўзининг мулки бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилинишига доир

технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриши;

чиқиндиларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслиги, бундан ишлаб чиқариш технологиясида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

чиқиндиларнинг белгиланмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва зарарсизлантирилишига, шунингдек бундай жойларга ёки объектларга жойлаштирилиши ҳамда ташланишига йўл қўймаслиги;

махсус техник мосламаларни қўлламаган ҳолда чиқиндиларни ёқиб юбормаслиги;

санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузмаслиги;

чиқиндилар жойлаштирилган ўз объектларининг санитария ва экологик ҳолати устидан назоратни амалга ошириши;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш чоғида ҳолати бузилган ер участкаларида рекультивация ишларини ўтказиши;

чиқиндиларни мумкин қадар кўпроқ утилизация қилиш, уларни чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириши, шунингдек утилизация қилинмайдиган чиқиндилар экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда зарарсизлантирилишини таъминлаши;

махаллий давлат ҳокимияти органларига, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига рухсат олинмаган тарзда атроф-муҳитга чиқиндилар чиқарилганлиги ҳолатлари тўғрисида ва кўрилган чоралар ҳақида белгиланган тартибда ахборот тақдим этиши;

чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган тартибда компенсация тўловлари тўлаши;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт»;

3) 22-модда:

номи кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22-модда. Чиқиндиларни сақлаш ва зарарсизлантиришга доир талаблар»;

кўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Саноат чиқиндиларини ва маиший чиқиндиларни махсус техник мосламаларсиз зарарсизлантириш тақиқланади»;

иккинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «бундай жойларга кўмиб ташлаш» деган сўзлар «зарарсизлантириш» деган сўз билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 октябрь,
ЎРҚ-495-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

808 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатидан ташқари барча инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари ишига раҳбарликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисидаги маърузаларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида ишларни кўриб чиқиш учун судлов таркибларини шакллантиради;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади; тегишли қуйи судларнинг фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади; суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

судлар томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

2) **34-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«суд мажлисларида раислик қилади;

тегишли қуйи судларнинг фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади»;

бешинчи — ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **35-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «раислик қилиши мумкин» деган сўзлар «раислик қилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **38-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида ишларни тақ-

симлайди, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимлайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ-460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **26-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар»;

2) **132-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **3¹-банд** билан тўлдирилсин:

«3¹) суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Почта харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади, бироқ бу сумма энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги керак ва суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) **173-модданинг 1-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **191-модданинг 3-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **195-модда биринчи қисмининг 7-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **23¹-боб** билан тўлдирилсин:

«23¹-боб. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни юритиш хусусиятлари

270¹-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни кўриш тартиби

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)

юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

270²-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан даъво аризаси билан судга мурожаат этиш муддатлари

Агар ушбу Кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида унга маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисида даъво аризаси беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

270³-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризасининг шакли ҳамда мазмуни

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаси ушбу Кодекснинг 189-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Даъво аризасида қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

1) низолашилаётган қарорни қабул қилган корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг номи ёки низолашилаётган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган мансабдор шахснинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари;

2) низолашилаётган қарорнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, низолашилаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

3) даъвогарнинг фикрига кўра, низолашилаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли бузилаётган ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги маълумотлар;

4) даъвогарнинг фикрига кўра, низолашилаётган қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қайси қонун ҳужжатига зид бўлса, ўша қонун ҳужжати;

5) даъвогарнинг қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби.

Даъво аризасига ушбу Кодекснинг 191-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек низолашилаётган қарорнинг матни илова қилинади.

270⁴-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд низолашилаётган қарорнинг ёки унинг айрим қисмларининг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунийлигини, низолашилаётган қарорни қабул қилган корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг ёхуд низолашилаётган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек низолашилаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузган-бузмаганлигини аниқлайди.

270⁵-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 23-бобида белгиланган қоидаларга кўра суд томонидан қабул қилинади.

Суд низолашилаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас деб ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Агар суд низолашилаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) низолашилаётган қарорни қабул қилган корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг номи ёки ҳаракатларни (ҳаракатсизликни)

содир этган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, низолашилаётган қарорнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, низолашилаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

2) низолашилаётган қарорнинг тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб ёки ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунга ҳилоф деб топилганлиги;

3) суд ҳаражатларининг тақсимланиши.

Қарор ҳақиқий эмас деб, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга ҳилоф деб топилган тақдирда, суд тегишли корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд даъвогарнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг йўл қўйилган бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш мажбуриятини юклайди.

Суднинг ишни кўриш натижалари бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган пайдан эътиборан йигирма кун ўтгач қонуний кучга киради»;

7) **350-модда тўртинчи қисмининг 4-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта ҳаражатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **355-модда тўртинчи қисмининг 3-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта ҳаражатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **367-модданинг 6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида давлат божини ва почта ҳаражатларини тўлашдан озод қилиш назарда тутилмаган бўлса, давлат божи ва почта ҳаражатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат»;

10) **387-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта ҳаражатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **388-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят бериш учун бож тўламаган» деган сўзлар «давлат божини тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят бериш учун божни, шунингдек почта ҳаражатларини тўламаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **407-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта ҳаражатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **408-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат божини тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят берганлик учун бож тўламаган» деган сўзлар «давлат божини тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят бериш учун божни, шунингдек почта ҳаражатларини тўламаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **427-модданинг бешинчи қисми** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта ҳаражатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **428-модда биринчи қисмининг 3-банди** «давлат божи» де-

ган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **116-модда:**

биринчи қисми «Суд чиқимлари» деган сўзлардан кейин «суд хабарномалари ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади, бироқ бу сумма энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги керак ва даъво аризаси (ариза, шикоят) берувчи шахс томонидан суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим»;

2) **292-модда биринчи қисмининг 4-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **113-модда:**

биринчи қисми «Суд чиқимлари» деган сўзлардан кейин «суд хабарномалари ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Почта харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади, бироқ бу сумма энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаслиги керак ва суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **130-модда** қуйидаги мазмундаги **1¹-банд** билан тўлдирилсин:

«1¹) белгиланган тартибда ва миқдорда почта харажатлари тўланганлигини»;

3) **206-модда биринчи қисмининг 1-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **210-модда биринчи қисмининг 3-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **230-модда биринчи қисмининг 1-банди** «давлат божи» деган

сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **234-модда биринчи қисмининг 4-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **253-модданинг бешинчи қисми** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **255-модда биринчи қисмининг 2-банди** «давлат божи» деган сўзлардан кейин «ва почта харажатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида**»ги 108–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 183-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 октябрь,
ЎРҚ–496-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

809 Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

1) **159¹-модданинг номидаги** ва **матнидаги** «ижарага бериш шартномасининг, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мажбурий нота-риал тасдиқланишига» деган сўзлар «давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга кўйилишига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **197¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокат сўровига ахборотни (ҳужжатларни) такдим этмасликда, ўз вақтида такдим этмасликда ёхуд била туриб ёлгон ёки нотўғри ахборот (ҳужжатлар) такдим этишда ифодаланган тарзда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки унинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **283-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 197¹-моддасида назарда тутилган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинган тақдирда, адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **480-модданинг биринчи қисми** «ва нотариал тартибда тасдиқла- ниши лозим» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 2) **488-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;
- 3) **574-модданинг учинчи қисмидаги** «нотариал тасдиқланган бўли- ши керак» деган сўзлар «давлат солиқ органларида ҳисобга қўйилиши ло- зим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 4) **603-модданинг иккинчи қисмидаги** «нотариал тасдиқланган бўлиши керак» деган сўзлар «давлат солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 5) **626¹-модданинг:**
иккинчи қисми чиқариб ташлансин;
учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Рес- публикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахбо- ротномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-мод- да; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшим- чалар киритилсин:

- 1) **2-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-модда. Ўзбекистон Республикасида нотариус

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумла- дан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳони- ни топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мум- кин. Судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчи- си ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил иш- лаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайди.

Қуйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас:

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;
қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати туга- тилган шахс.

Нотариус ёрдамчи ва стажёрга эга бўлиши мумкин.

Нотариусларга махсус унвонлар — мансаб даражалари берилади»;

- 2) **2¹-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Нотариус ёрдамчисига махсус унвонлар — мансаб даражалари берилди»;

3) **5** ва **6-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5-модда. Нотариуснинг мустақиллиги ва бетарафлиги

Нотариус ўз фаолиятида мустақил ва бетараф бўлиб, уни амалга оширишда нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилади.

6-модда. Нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги

Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар тўғрисида ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғига кўра амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари юритувида бўлган ишлар муносабати билан уларнинг талабига биноан берилди.

Нотариуслар томонидан шунингдек:

махсус ваколатли давлат органига — жиноий фаолиятдан олинган да-ромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар);

давлат солиқ хизмати органига — кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини, мол-мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, шунингдек мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар;

ички ишлар органига — автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқи учун ишончномаларни, ушбу воситаларни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, улардан текин фойдаланиш, уларнинг гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотномалар;

ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман (шаҳар) филиалига — бошқа шахсга ўтказилаётган кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги ва олувчи ҳақидаги маълумотлар;

кредит бюросига унинг сўровига кўра — битим предмети бўлган объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки ушбу объектга нисбатан хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар);

риэлторлик ташкилотига унинг сўровига кўра — битим предмети бўлган кўчмас мулк объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки ушбу объектга нисбатан хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар);

манфаатдор шахсларга васият қилувчининг вафотидан кейин — васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши мақсадида унинг сўровига кўра такдим этилади.

Маълумотномаларни (маълумотларни) такдим этиш ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкин»;

4) 15-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Нотариуслар ўз касбий малакасини даврий ошириши яқунлари бўйича аттестациядан ўтади. Нотариуслар алмаштириш (ротация қилиш) тартибидан бошқа нотариал идораларга тайинланиши мумкин. Нотариусларни аттестациядан ўтказиш ва алмаштириш (ротация қилиш) тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) 16-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний ёки юридик шахс нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақли, бундан ушбу Қонуннинг 37, 51, 52, 59, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

6) 17-модда қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«юридик шахсларнинг раҳбар органлари йиғилишларида уларнинг таклифига кўра иштирок этиш»;

7) 18-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18-модда. Нотариуснинг мажбуриятлари

Нотариус:

жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

тарафлар такдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши ҳамда уларнинг мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва ушбу битимларнинг қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши;

юридик жиҳатдан беҳабарликдан жисмоний ва юридик шахсларнинг зарарига фойдаланилмаслиги учун уларни амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида огоҳлантириши;

қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши;

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунийлик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши;

уч йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши;

суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органлари юритувида бўлган ишлар билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик тўғрисида уларнинг талабига биноан маълумотномалар (маълумотлар) бериши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши;

кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини, мол-мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, шунингдек мерос ёки ҳада тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномаларни давлат солиқ хизмати органига тақдим этиши;

автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасаруф этиш ҳуқуқи учун ишончномаларни, ушбу воситаларни бошқа шахсга ўтказиш, ижарага бериш, улардан текин фойдаланиш, уларнинг гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотномаларни ички ишлар органига тақдим этиши;

бошқа шахсга ўтказилаётган кўчмас мулкнинг кадастр рақами тўғрисидаги ва олувчи ҳақидаги маълумотларни ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман (шаҳар) филиалига тақдим этиши;

битим предмети бўлган объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки ушбу объектга нисбатан хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) кредит бюрларининг сўровига кўра тақдим этиши;

битим предмети бўлган кўчмас мулк объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки ушбу объектга нисбатан хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) риэлторлик ташкилотининг сўровига кўра тақдим этиши;

васият қилувчининг вафотидан кейин манфаатдор шахсларга васиятнома тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этиши;

амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг сўровига кўра тақдим этиши шарт»;

8) **21-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21-модда. Нотариал ҳаракатлар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган бошқа ҳаракатлар учун ҳақ тўлаш

Нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундирилади.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт харажатларининг ўрнини қоплайди.

Нотариус томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундирилади.

Нотариус томонидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда нотариал

тартибда тасдиқланадиган битим лойиҳасини мустақил тайёрлаган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий ҳамда техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод этилади»;

9) қуйидаги мазмундаги **4¹-боб** билан тўлдирилсин:

**«4¹-боб. Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган
ахборот тизими**

22¹-модда. Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг асосий қоидалари

Нотариал фаолият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишга алоқадор давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган ахборот тизими Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидир.

Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишлидир.

Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан нотариал идорага юборилган электрон мурожаатни олиш учун ҳам фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига нотариусларнинг киришини таъминлайди.

Нотариуслар томонидан Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотлар киритилиши нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг махфийлигини ошкор этиш ҳисобланмайди.

22²-модда. Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотлар киритиш

Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни киритиш нотариуслар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига нотариуслар томонидан киритилиши лозим бўлган маълумотларнинг рўйхатини белгилайди.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бундай ҳаракатлар амалга оширилган кундан кечиктирмай нотариус томонидан Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

22³-модда. Электрон мурожаат

Жисмоний ва юридик шахслар нотариус қабулига олдиндан ёзилиш, битимлар ва аризаларнинг электрон шаклдаги лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ахборот тизимлари орқали нотариал идораларга мурожаат қилиши мумкин.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим. Агар ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўланмаган бўлса, битимлар ва аризаларнинг электрон шаклдаги лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисидаги электрон мурожаат кўриб чиқилмайди.

Ахборот тизимлари орқали нотариал идораларга келиб тушадиган электрон мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади»;

10) **23-модданинг биринчи қисми:**

4-банди чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **12¹-банд** билан тўлдирилсин:

«12¹) юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлайди»;

15-бандидаги «аризаларини» деган сўз «аризалари ва (ёки) бошқа ҳужжатларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **26-модданинг:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«26-модда. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирил-
ладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризалар»;**

биринчи қисмининг бешинчи ва **олтинчи хатбошиларидаги** «васиятномалари ва ишончномалари» деган сўзлар «васиятномалари, ишончномалари ва аризалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Васиятномалар ва ишончномаларни» деган сўзлар «Васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **27-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«27-модда. Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васият-
номаларни ва ишончномаларни нотариал идорага
бериш**

Ушбу Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ўзлари тасдиқлаган васиятномаларнинг ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ишончномаларнинг биттадан нусхасини васият қилувчи ёки ишонч билдирувчи доимий яшайдиган жойдаги нотариал идорага сақлаш учун кечиктирмай юбориши шарт.

Агар васият қилувчининг ёки ишонч билдирувчининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлмаса ёки уларнинг яшаш жойи номаълум бўлса, васиятнома ёхуд ишончнома уни қайси ташкилотнинг мансабдор шахси тасдиқлаган бўлса, ўша ташкилот жойлашган ердаги нотариал идорага сақлаш учун юборилади.

Нотариус сақлаш учун келиб тушган васиятномани ва ишончномани текшириб кўриши ҳамда уларнинг қонунга номувофиқлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда васият қилувчига, ишонч билдирувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

Ушбу Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар васиятномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек ишончноманинг амал қилишини тугатиш учун асос бўладиган ҳужжатнинг биттадан нусхасини ушбу моддада белгиланган тартибда кечиктирмай нотариал идорага бериши шарт»;

13) **28-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «ушбу Қонун 44-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикасида жойлашган мол-мулкни» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасида жойлашган кўчмас мол-мулкни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **29-модда** қуйидаги **мазмундаги иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Нотариал ҳаракатни амалга ошириш чоғида нотариуслар томонидан аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилиши мумкин»;

15) **31-модданинг тўртинчи қисми** «нотариал ҳаракатни амалга ошириш» деган сўзлардан кейин «бир маротаба» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади»;

17) **34-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Битимлар, аризалар ва бошқа ҳужжатлар тарафлар томонидан бармоқ изларини олиш йўли билан тасдиқланиши мумкин»;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида видеоёзув воситаларидан фойдаланилади»;

18) **35-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Агар ҳужжатдаги мавжуд изоҳ берилмаган тузатишлар ёки бошқа камчиликлар тақдим этилган ҳужжатнинг мақсади учун аҳамиятсиз бўлса, нотариус бундай ҳужжатни нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун қабул қилишга ҳақли»;

19) **37-моддадаги** «шунингдек мазкур нотариал идоранинг ходимлари номига ва уларнинг номидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **40-модданинг иккинчи қисмидаги** «иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «иккинчи — тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **44-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

22) **62-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

23) **63-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар мархум эрдан (хотиндан) кейин хотин (эр) томонидан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани олиш ҳақида ёзма ариза берилмаса, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улуш ажратилмайди»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

24) **65-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«65-модда. Ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаходатлаш

Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳуж-

жатлар кўчирма нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди.

Кўчирма олинаётган ҳужжатда ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта алоҳида масалага оид қарорлар мавжуд бўлган тақдирдагина кўчирманинг тўғрилиги шаҳодатланиши мумкин. Кўчирма ҳужжатнинг муайян масалага доир қисмининг тўла матнини акс эттириши керак.

Нотариус ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлар экан, ҳужжат мазмунининг қонунийлигини, унда баён қилинган фактларнинг ҳақиқатга мослигини, уни имзолаган жисмоний шахсларнинг шахсини, муомалага лаёқатлилиги ва ваколатларини, ҳужжатни юборган юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини тасдиқламайди.

Агар бир қисми бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхасини ифодалаган бир неча варақдан иборат ҳужжат аслининг кўчирма нусхаси ёки ҳужжатнинг асладан олинган кўчирма тўғрилиги шаҳодатланаётган бўлса, тасдиқлов ёзувида бу ҳақда белги қўйилади»;

25) **67-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«67-модда. Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш

Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

Битимни ифодаловчи ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлашга йўл қўйилмайди»;

26) қуйидаги мазмундаги **70¹-модда** билан тўлдирилсин:

«70¹-модда. Юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлаш

Нотариус юридик шахснинг раҳбар органи йиғилишини чақирувчи органнинг ёки шахснинг илтимосига кўра ушбу йиғилиш ўтказилиши чоғида ҳозир бўлади ва юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлаш тўғрисида ҳамда ушбу қарорни қабул қилиш чоғида ҳозир бўлган иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) таркиби ҳақида гувоҳнома беради.

Нотариус юридик шахснинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини белгилаш учун юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини текширади, юридик шахс раҳбар органининг қарор қабул қилиш борасидаги ваколатини, йиғилишда кворум мавжудлигини ва овозларни санаб чиқиш асосида қарор қабул қилиш учун керакли овозлар сони мавжудлигини қонун ҳужжатларига ва юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ аниқлайди»;

27) **12-бобнинг номидаги «аризаларини»** деган сўзлар **«аризалари ва (ёки) бошқа ҳужжатларини»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **73-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73-модда. Аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатларни топшириш

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари ва (ёки) ўзга ҳужжатларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади.

Аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатлар уларнинг топширилганлигини маълум қилиш шarti билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо қўйдириб топширилади. Аризалар телефакс, компьютер тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб ҳам узатилиши мумкин. Аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатларни топшириш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини нотариал харажатни амалга оширишни сўраган шахс қоплайди.

Шахснинг илтимосига кўра нотариус аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатларнинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома беради»;

29) 91-модданинг:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органи расмийлаштирган» деган сўзлар «расмийлаштирилган ёки апостиль қўйилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми «расмийлаштирилмаган» деган сўздан кейин «ёки апостиль қўйилмаган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокат қуйидагилардан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас:

илмий ва педагогик фаолият;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги (бундан буён матнда Адвокатлар палатаси деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият;

патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолият;

шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатидаги фаолият;

ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатидаги фаолият»;

2) 3¹-модда:

иккинчи қисмидаги «олти» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида, судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахс адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтихонида иштирок этишга ҳақли»;

учинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «бир йилдан» деган сўзлар «олти ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **4-модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **олтинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Адвокатлик фирмасининг ёки адвокатлар ҳайъатининг жойлашган ери яшаш учун мўлжалланмаган жойда бўлиши керак.

Адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларда амалга ошириши мумкин, бунда адвокатга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди.

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганлик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан таъминот олади.

Адвокатлар адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин.

Адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда чет давлатларда ушбу давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини) ташкил этишга ҳақли. Бунда адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати алоҳида бўлинмани очиш тўғрисидаги қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни олдиндан хабардор қилади»;

4) **5-модданинг биринчи қисми:**

тўртинчи хатбошиси «фуқаролик» деган сўздан кейин «иқтисодий ва маъмурий» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов босқичида ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ҳакамлик судида ва халқаро тижорат арбитражида (судида) вакилликни амалга оширади»;

5) **6-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни ўтказиш ва ишни судда кўриб чиқиш чоғида ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғриси-

даги ишларни кўриб чиқаётган органларда ва бошқа ваколатли органларда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши материалларига кўшиб қўйилиши, шунингдек албатта баҳоланиши лозим бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш»;

тўққизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан махфийлик таъминланадиган шароитларда (шу жумладан уни қамокда сақлаб туриш даврида) учрашувларнинг сони, давомийлиги чекланмаган ҳолда ҳамда ишни юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатсиз холи учрашиш»;

б) қуйидаги мазмундаги **7¹-модда** билан тўлдирилсин:

«7¹-модда. Адвокат сўрови

Адвокат давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мазкур органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан адвокат томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни (бундан буён матнда ахборот (ҳужжатлар) деб юритилади) тақдим этиш масалалари юзасидан адвокат сўровини (бундан буён матнда адвокат сўрови деб юритилади) юборишга ҳақли.

Ахборот (ҳужжатлар), шунингдек уларнинг кўчирма нусхалари адвокат сўрови олинган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай тақдим этилади.

Агар давлат органи ёки бошқа орган, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот сўралаётган ахборотга (ҳужжатларга) эга бўлмаса, улар ўзларига мурожаат этган адвокатга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда хабар қилиши шарт.

Адвокат томонидан иш бўйича суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси бошланганлиги тўғрисида далолат берадиган ҳужжат тақдим этилган тақдирда, сўровда кўрсатилган ахборот (ҳужжатлар) уч иш кунидан кечиктирмай тақдим этилиши керак.

Адвокат сўровида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

сўров юборилаётган давлат органи ёки бошқа органнинг, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотнинг номи ва почта манзили;

адвокатнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

адвокат ўз фаолиятини амалга ошираётган адвокатлик тузилмасининг номи, почта манзили, электрон почта манзили, телефон рақами;

адвокат сўровини қайд этиш дафтаридаги адвокат сўровининг рўйхатдан ўтказилганлик рақами ва санаси;

адвокат кимнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган бўлса, ўша жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг номи;

юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот (ҳужжатлар);

сўралаётган ахборотни (ҳужжатларни) бериш усули (почта жўнатмаси, факсимиль алоқа, электрон почта, бевосита топшириш);

адвокатнинг имзоси.

Адвокат сўровига ордернинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Агар адвокатлик сўровини олган субъект сўралаётган ахборотга (хужжатларга) эга бўлмаса ёки маълумотларда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир мавжуд бўлса, шунингдек адвокат сўровида ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида назарда тутилган ахборот (хужжатлар) кўрсатилмаган бўлса, сўралаётган ахборотни (хужжатларни) адвокатга тақдим этиш рад этилиши мумкин.

Адвокат сўрови адвокатлик сирига риоя этилган ҳолда ахборот тизими орқали электрон шаклда ҳам берилиши мумкин.

Адвокат сўровига ахборотни (хужжатларни) тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот (хужжатлар) тақдим этганлик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»;

7) 10-модда:

биринчи қисми «у ёки бу тарзда» деган сўзлардан кейин «бевосита ёки билвосита» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини ёзма шаклда хабардор қилади»;

8) 12³-модда:

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Айни бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Адвокатлар палатасининг раиси бўлиши мумкин эмас»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этишга ва улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақлидир»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) 13-модданинг **иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака комиссиялари ҳамкасблари орасида ҳурматга сазовор бўлган адвокатлар, шунингдек ҳуқуқ соҳасидаги тажрибали мутахассислар орасидан тоқ миқдорда Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган апелляцияларни кўриб чиқиш, малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комиссиясининг таркиби ҳамкасблари орасида ҳурматга сазовор бўлган адвокатлар, шунингдек ҳуқуқ соҳасидаги тажрибали мутахассислар орасидан тоқ миқдорда Адвокатлар палатаси ва

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланади»;

10) 13¹-модданинг:

биринчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг» деган сўзлар «малака комиссияларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи — бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«таълим муассасаларига, шу жумладан кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларига ўқишга кирганда — ўқиш даврига, бироқ кўпи билан уч йилга;

хомиладорлик ва туғиш, уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш бўйича таътиллер берилганда — таътил вақтига;

адвокат ёки унинг яқин қариндоши оғир касаллиги сабабли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли тиббий хулоса тақдим этилганда — софайгунча, бироқ кўпи билан бир йилга»;

учинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Адвокатда адвокатлик фаолияти билан бир ойдан ортиқ муддатга шуғулланишдан озод қилинишига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда, адвокатнинг мақоми унинг аризасига биноан бундай озод қилиниш муддатига тўхтатиб турилиши мумкин»;

иккинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «учинчи ва тўртинчи» деган сўзлар «учинчи — бешинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 14-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Интизомий иш юритиш малака комиссияларининг ёки Олий малака комиссиясининг қарори билан қўзғатилади»;

тўртинчи қисми:

учинчи хатбошисидаги «биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларига» деган сўзлар «иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «биринчи қисмининг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларига» деган сўзлар «иккинчи қисмининг иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Адвокатга нисбатан интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижалари бўйича эса, адвокат томонидан ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан икки йил ўтганидан кейин қўлланилиши мумкин эмас»;

12) **15-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда у айбланувчи тарикасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг ёки Адвокатлар палатасининг мурожаатига кўра маъмурий суднинг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан адвокатнинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, бундан адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тарикасида жалб қилинган ҳол мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади»;

13) **16-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) буни талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқни бажариб бўлганидан сўнг;

агар лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида талабгор лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса;

ушбу Қонун 3¹-моддасининг еттинчи қисмида ва 13¹-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

адвокатнинг муомала лаёқати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш маъмурий суд томонидан Олий малака комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаатига кўра қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат касбига доир вазифаларини олти ой мобайнида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда;

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокат мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

Адлия органи уч кунлик муддатда Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини адвокатнинг мақоми тугатилганлиги ҳақида хабардор қилади, шунингдек тегишли хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Адвокат мақомининг тугатилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади.

Ушбу модда иккинчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра лицензиясининг амал қилиши тугатилган шахс уч йил мобайнида талабгор бўлишга ҳақли эмас».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-мод-

да, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисмидаги** ва **28-модданинг матнидаги** «мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга» деган сўзлар «мулкдорларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **32-модданинг олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусийлаштирилган квартирани ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш ёки ижарага, арендага бериш квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзоларининг ва квартирани ёки уйни хусусийлаштириш учун розилик берган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади. Уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахснинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи унинг вафотидан кейин очиладиган мерос таркибига кирмайди. Хусусийлаштирилган уй-жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тақдирда эса васийлик ва хомийлик органлари ифодалайди»;

3) **86-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **84-модданинг учинчи қисмидаги** «турар жойни ижарага бериш шартномасини, текин фойдаланишга бериш шартномасини мажбурий нотариал тасдиқланишига» деган сўзлар «давлат солиқ хизмати органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **341-модданинг учинчи қисми** «белги қўйилади» деган сўзлардан

кейин «бундан пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномаларни тасдиқлаш ҳоллари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1-банди, 2-моддаси, 3-моддасининг 2 — 29-бандлари, 5-моддасининг 2 ва 3-бандлари ҳамда 6-моддаси 2019 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 октябрь,
ЎРҚ-497-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

810 Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ–3939-сон қарорига асосан жойларда тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг фаолияти натижалари бўш турган давлат мулки объектларини сотиш ва ер участкаларини беришда тадбиркорлик ва инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор ортиқча бюрократик тартиботлар ва қийинчиликларни бартараф этиш бўйича қўшимча чоралар кўриш заруриятини кўрсатди.

Республика худудларида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат рақобат кўмитаси), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат кўмитаси (кейинги ўринларда — «Давергеодезкадастр» кўмитаси), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларига қуйидаги ҳуқуқларни беришни назарда тутувчи давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда — эксперимент) ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

а) ўз ваколати доирасида (жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари кенгаши қарорларига асосан), бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини (мазкур Фармоннинг 4-бандида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) уларни баҳоламасдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда «E-IJRO AUKSION» электрон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

савдо майдончасида аукционга чиқариш орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиш;

б) ўз ваколатлари доирасида инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун аукцион ўтказмасдан, инвестор билан тўғридан-тўғри музокаралар орқали инвестициявий (камида 1 млн. АҚШ доллари эквивалентида) ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда ер участкаларини бериш ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг мазкур масаладаги қарорлари дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар кенгашларида кўриб чиқилиши ҳамда тасдиқланиши лозим;

в) «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукционга чиқариш учун ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоят ҳокимликларининг молия бош бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тавсияларига асосан, ҳар бир туман бўйича бўш ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг (0,01 га майдони учун) бошланғич баҳосини ҳар чоракда тасдиқлаш;

г) уч йилдан ортиқ муддат давомида тупроқ бонитировкаси ишлари олиб борилмаган уч гектаргача бўлган майдонга эга ер участкаларида тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси бўлиш;

д) «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали суғорилмайдиган ерлар тоифасига кирадиган ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун инвестициявий (камида 1 млн. АҚШ доллари эквивалентида) ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда 50 йил муддатга сотиш;

е) «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига туташ ҳудудлардаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини уларнинг тоифаларидан қатъи назар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича йўлбўйи ва туристик инфратузилма объектларини ташкил этиш учун сотиш. Бунда, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасига кирувчи ер участкалари кўрсатилган мақсадлар учун фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сон қарорига биноан ташкил этилган Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича комиссия билан келишилган ҳолда берилади;

ж) ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш кучларининг уч сменали режимдаги патрулини таъминлаш орқали, шунингдек, мазкур зоналарда сайёҳлар учун дам олишни ташкил этиш дастурларини тасдиқлаган ҳолда Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва сайёҳлар ташриф буюрадиган бошқа жойларда савдо-кўнгилочар ва умумий ов-

қатланиш объектлари фаолиятини тунги вақтда чеклашга йўл қўйилмайдиган зоналарни аниқлаш.

2. Белгилансинки, эксперимент доирасида:

давлат кўчмас мулк объектлари учун хусусийлаштириш комиссияси ишининг умумий муддати у ташкил этилган пайтдан бошлаб йигирма кундан ошмаслиги лозим;

давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали сотишда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турлари давлат мулки объектларини сотиш бўйича танлов ўтказишда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибни ўхшашлик бўйича қўллаш асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари томонидан белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг қарорларига асосан сотиладиган давлат мулки объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш назорати инспекцияси томонидан давлат объектларини сотишга тайёрлашда ҳулосалар берилиши Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади;

давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаларини тузиш савдо натижалари (музокаралари) бўйича баённома имзолангандан сўнг ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади;

мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери давлат кўчмас мулк объекти бўйича сотиб олиш тўловлари ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тушган кундан бошлаб беш кун ичида, тасарруф этиш ҳуқуқи эса, харидорга инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган (инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан сотилган тақдирда) деб топилган ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб берилади;

балансда сақловчи сотилган давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаси харидор томонидан тақдим этилган кундан бошлаб беш кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини ва сотилган давлат кўчмас мулк объектининг харидорга топширилишини таъминлаши шарт;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги экин ерлари таркибига кирмайдиган, фойдаланилмасдан турган ер участкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қарорларига асосан инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг ер участкалари ўлчами ва чегараларини уларнинг раҳбарларининг розилигисиз ўзгартирган ҳолда олиб қўйилиши мумкин.

3. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан қуйидаги тўловларни амалга ошириш талаблари бекор қилинсин:

давлат мулки объектларини хусусийлаштиришга буюртманома берганлик учун Давлат рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида тўланадиган йиғим;
мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини берганлик учун давлат божи.

4. Белгилансинки, қуйидаги давлат кўчмас мулк объектлари тадбиркорлик субъектларига фақат давлат-хусусий шериклик асосида, тегишли вазирлик ёки идора давлат шериги сифатида иштирок этган ҳолда, берилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари):

таълим, шу жумладан мактабгача таълим муассасалари;

соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари;

маданият объектлари, шу жумладан кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари.

Бунда, мазкур банд талаблари фаолият йўналиши бўйича фойдаланилмаётган, тегишли вазирлик ёки идоралар томонидан давлат-хусусий шериклик ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларига татбиқ қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов), Маданият вазирлиги (Б. Сайфуллаев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев) ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (Ф. Зокиров) бир ой муддатда мазкур Фармонга асосан сотиш учун фаолият йўналиши бўйича фойдаланилмаётган, давлат-хусусий шериклик ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлмаган давлат мулки объектлари рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят хокимликларига тақдим этсин.

5. Вазирлик, идоралар, хўжалик бошқарув органлари:

а) хатлов натижасида аниқланган давлат ва хўжалик бошқарув органлари улуши устун мавқега эга бўлган ташкилотлар (шу жумладан, устав капиталининг 50 фоиздан ортиғи 50 фоиздан ортиқ миқдорда давлат ва хўжалик бошқарув органлари улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар)нинг фаолиятига мос бўлмаган ва фойдаланилмаётган бўш турган кўчмас мулк объектларидан қуйидагича самарали фойдаланиш чораларини кўрсин:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари, шунингдек, ташкилотларни ривожлантириш стратегиясига асосан объектлар негизида қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган объектлар рўйхатини тасдиқлаш;

икки ой муддатда устав капиталида давлатнинг ёки хўжалик бошқарув органларининг улушларини сотиш бўйича тегишли қарор мавжуд бўлишидан қатъи назар, ўтказилган хатлов натижасида аниқланган фаолиятига мос бўлмаган ва фойдаланилмаётган бўш турган кўчмас мулк объектларини,

зарурат бўлганда 10 йилгача муддатга бўлиб тўлаш имкониятини кўзда тутган ҳолда, савдоларга чиқариш;

бир ой муддатда фойдаланилмаётган ерлар ва фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларини уларнинг негизида кичик саноат зоналарини барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

б) объектни ўз балансида сақловчи юқори ташкилот томонидан тасдиқланган, фойдаланиш бўйича тегишли «йўл харитаси» бўлмаган бўш ётган объект сотилишини рад этишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабни эътиборга олган ҳолда, бўш ётган объектларни сотиш бўйича (мазкур Фармоннинг 4-бандида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сўровномалари Давлат рақобат қўмитаси томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминласин.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича комиссия (М. Оллоёров) ва ҳудудий гуруҳлар Давлат рақобат қўмитаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда мазкур банд ижросининг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Давлат рақобат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг мазкур қарорнинг 1-илоvasида* келтирилган, суд қарорларига мувофиқ давлат даромадига ўтказилган нотурар жойларни, келгусида уларни мазкур Фармон талабларига мувофиқ сотиш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига белгиланган тартибда бепул ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг аввалги қарорларига асосан савдоларга чиқарилган давлат мулки объектлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари кенгашлари) томонидан ўз ваколатлари доирасида аниқланган кўчмас мулк объектлари инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда — 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда;

бошқа кўчмас мулк объектлари бўйича — қайта баҳолатмасдан, уларни ўтказиш кундаги савдоларда шаклланган нархда «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасига ўтказилади ва савдога чиқарилади.

8. Вазирлар Маҳкамаси (С.Холмуродов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг инвесторлар аризаларига асосан давлат мулки объектларини сотиш тўғрисидаги таклифларини тезкорлик билан, заруратга кўра хусусийлаштириш дастурларига киритмасдан улар бўйича индивидуал қарорлар қабул қилиш орқали кўриб чиқилишини таъминласин.

9. Белгилансинки:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари ҳамда ушлаб қолинган закат суммаси, аукцион ташкил этиш хизматлари тўлови ва ер участкаларини танлаш материалларини тайёрлаш қийматини чегириб ташлаган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда тегишли маҳаллий бюджетларнинг махсус ғазна ҳисобрақамларига уларнинг қўшимча манбалари сифатида ўтказилади ва ушбу пул маблағлари фақатгина ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, шунингдек, давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга йўналтирилади;

қонунчиликда назарда тутилган асослар билан бир қаторда, агарда аризаларни қабул қилиш муддати якунига қадар фақат битта ариза келиб тушган бўлса, «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасидаги давлат кўчмас мулк объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни сотиш бўйича аукцион бўлиб ўтмаган деб эътироф этилади;

кичик саноат зонаси ҳудудида ишлаб чиқариш майдончаларини узок муддатли ижарага бериш шартномаси, дирекция фаолиятини молиялаштириш манбаларига давлат мулкни ижарага бериш марказларига тегишли бўлган ижара тўлови маблағларини йўналтириш орқали, кичик саноат зонаси дирекцияси ва танлов ғолиби ўртасида тузилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда, ҳудудий архитектура ва шаҳарсозлик кенгашлари билан келишган ҳолда, ҳар бир аҳоли пункти кесимида (бош режа мавжуд бўлмаганда) 2018-2019 йилларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган ер участкаларини жойлаштириш схемаларини тасдиқлаб олсин ва уни кейинчалик тегишли бош режаларда акс эттириш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этсин.

11. Иқтисодиёт вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш учун масъул бўлган ўринбосарлари билан биргаликда 2018 йил 15 декабрга қадар ишлаб чиқариш қувватларини устувор жойлаштириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фойдаланиш учун, мавжуд минерал-хом ашё, ер, сув, қишлоқ хўжалиги ресурслари, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, ҳудудларнинг экологик ва бошқа шароитларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир туманнинг тармоқ ихтисослашувини белгиласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларига тегишли бюджетлар даромадлари прогнозининг ошириб бажарилиши суммаларини:

а) йўлбўйи ва туристик инфратузилма объектларини, шу жумладан меҳмонхоналарнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялашти-

риш ставкасини йиллик икки фоизга камайтирилганига тенг фоиз ставкасида тижорат банкларига ресурслар ажратиш орқали инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўйидаги йўналишларда кредит линияларини очиш: меҳмонхоналар ва туристик инфратузилманинг бошқа объектларини қуриш;

тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришнинг, шунингдек хизмат (иш) турларининг янги қувватларини ташкил этиш;

маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларини, бошқа асосий фондларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда халқаро молия институтлари ва хорижий давлат молия ташкилотлари билан музокаралар олиб борсин ва туризм соҳасидаги лойиҳаларни, устувор равишда меҳмонхоналар қуришни молиялаштириш бўйича имтиёзли кредит линияларини очиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (Б. Қудратхўжаев):

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида сотилаётган давлат мулки объектларини ва ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида кенг ёритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, «Давергеодезкадастр» қўмитаси ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасини, унинг бир хилда ва сифатли ишлатилишини ҳамда фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларини мақбуллаштириш чораларини кўрсин.

15. «Давергеодезкадастр» қўмитаси (А. Абдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиков), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (Б. Қудратхўжаев) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда жойларда аниқланган камчиликларни инobatга олган ҳолда (бўш ер майдонларини муқобил мақсадни белгилашда, расмларни ва бошқа маълумотларни юклашда, географик координатларини аниқлашда ва бошқалар) «YER ELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириш ва имкониятлари кенгайтирилишини таъминласин;

тегишли давлат идоралари ва бошқа идоралар ходимларини «YER ELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида сифатли ишлаш кўникмаларини оширишга қаратилган қўлланмаларни ишлаб чиқиш орқали ўқитишни ташкил этсин;

бир ой муддатда ер участкасига бўлган ҳуқуқни сотишда белгиланган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг аукцион қолиби томонидан

бажарилиши ҳолати мониторингини амалга ошириш, шунингдек, бажарилган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимларига қуйидагилар учун жавобгарлик юклансин:

ўзларининг фаолиятида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ошқоралик ва холислик принципларига амал қилиб ҳамда аҳолининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларига юклатилган вазифа, функция ва ҳуқуқларни самарали ва сифатли амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал этиш;

мазкур Фармоннинг амалга оширилишида жойлардаги маҳаллий ижро органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш;

эксперимент доирасида лойиҳанинг амалга оширилишида юзага келадиган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбаларини таъминлаш;

маданий мерос объектларини сақлаш ва атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли хил қонунни бузиш билан боғлиқ бўлган мурожаат ва шикоятларга тезкор жавоб бериш.

17. Қуйидагилар:

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари — фаолият юритмаётган ёки қурилиши тугалланмаган давлат объектларини пухта хатловдан ўтказиш, уларни аукцион орқали сотиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларига сотилган объектларни ўз вақтида расмийлаштириш;

«Давергеодезкадастр» қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари — фойдаланилмаётган ерларни пухта хатловдан ўтказиш, уларни аукцион орқали сотиш учун ҳужжатларни тайёрлаш, «YER ELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимининг узлуксиз ва тўғри ишлаши, шунингдек, тупроқ бонитировкаси ишларининг ишончлилиги, тўлиқлиги ва сифатлилигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар қурилиш бош бошқармалари, қурилиш соҳасида назорат бўйича ҳудудий инспекцияларнинг раҳбарлари — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган ер участкаларининг жойлашиш схемасини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сифатли тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этиши, қурилиш-монтаж ишлари сифатини таъминлаш;

Мажбурий ижро бюроси ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК раҳбарлари — электрон савдо тизимининг узлуксиз ва тўғри ишлаши, давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни савдога чиқариш;

ҳудудий танлов комиссиялари ва хусусийлаштириш бўйича комиссиялар раҳбарлари, шунингдек, уларнинг аъзолари — ўзлари вакиллик қилаётган давлат бошқарув органлари ва ташкилотларининг масъулиятига доир функ-

цияларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши, шунингдек, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоят хокимлари раҳбарлигида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турларини белгилашда шахсан жавобгарлиги белгилансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзо олинишини ва мазкур Фармонга мувофиқ ўтказиладиган савдоларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Белгилансинки, эксперимент 2019 йилнинг 1 апрелига қадар ўтказилади.

21. Давлат рақобат қўмитаси, «Давергеодезкадастр» қўмитаси 2019 йилнинг 1 апрелига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига эксперимент ўтказиш натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотларни қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар билан биргаликда киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 октябрь,
ПФ–5552-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги
ПФ–5552-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ–5326-сон Фармонининг 8-банди «б» кичик бандидаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва шаҳар-созлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 20 апрелдаги ПҚ–3677-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошидаги «фақат» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ–3939-сон қарорининг:

а) 3-банди «б» кичик бандининг олтинчи хатбошидаги «аукцион савдоларига» сўзлари «савдоларга» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 5-бандда:

олтинчи хатбошидаги «электрон аукцион савдоларига» сўзлари «савдоларга» сўзи билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сотишда ўрнатилган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ер участкасига бўлган ҳуқуқ инвестор (аукцион ғолиби)нинг харажатлари копланмаган ҳолда бекор қилинади».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июндаги 454-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18 июнь, 24-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки объектларини сотиш ва давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг тўртинчи хатбошиси «очиқ аукцион (танлов) ўтказилишидан» сўзларидан олдин «агар Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 11-банднинг тўққизинчи хатбошиси «E-IJRO AUKSION» веб-порталида» сўзларидан олдин «агар Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 21-банди «д» кичик бандининг тўққизинчи хатбоши «— харид қийматида сотилган тақдирда» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) қўйидаги таҳрирдаги 51¹-банд билан тўлдирилсин:

«51¹. Объектлар «E-IJRO AUKSION» электрон аукцион савдоларига 1 сўм бошланғич нархида қўйилганда:

аукцион қадами 1 млн. сўм миқдорида белгиланади;

аукцион иштирокчиларига кейинги аукцион ставкасини дастлабки ўрнатилган аукцион босқичининг 5, 10 ёки 20 баробари миқдорида мустақил белгилаш имконияти берилади;

закалат миқдори объектга белгиланган инвестициявий мажбурият қийматининг 1 фоизи миқдорида белгиланади».

д) 73-банди рус тилидаги матни учинчи хатбошида «аукциона» сўзи «конкурса» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 6-сон, 158-бет):

а) 40-банди:

қуйидаги таҳрирдаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 80-банднинг «г» кичик банди:

қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 88-банди:

қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарорга инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш графиги илова қилинади»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши «белгиланган тартибда» сўзларидан кейин «аукцион ғолибининг харажатларини қопламасдан» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 90-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиали ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг икки иш куни давомида:

ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказади ва ғолибга ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш ҳақидаги гувоҳнома ни белгиланган тартибда беради;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимларнинг давлат реестрига аукцион ғолибининг инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлари тўғрисидаги ёзувни киритади»;

д) қуйидаги таҳрирдаги 91¹-банд билан тўлдирилсин:

«91¹. Агар ер участкасига бўлган ҳуқуқ инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан сотилган тақдирда, ер участкаларини, шу жумладан унда қурилган бино ва иншоотларни инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилгунига қадар бегоналаштириш, гаровга қўйиш, юридик шахсларнинг устав фондларига киритиш ёки бошқача тарзда тасарруф этилишига йўл қўйилмайди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**811** Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат мулкининг ва давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шароитларни шакллантириш, янги рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг Бухоро вилоятида давлат мулкининг ва давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизда 1-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича кичик саноат зоналарини (кейинги ўринларда — КСЗ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларининг Бухоро вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда ўтказилишини, шунингдек, давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятлари бошқарув органларининг мажлисларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларни уларнинг устав жамғармаларидаги давлат улушини ва хўжалик бошқаруви органларининг улушини тегишли равишда ўтказилаётган активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати суммасига камайтирган ҳолда, ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Бухоро вилояти ҳокимлигига топшириш масаласи кўриб чиқилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

КСЗ ҳудудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорлик субъектларига бизнес режаларни бажариш, иш ўринларини яратиш ва сақлаб қолиш, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шартли билан кейинчалик мулк ҳуқуқи берилган ҳолда 10 йилга узоқ муддатли ижарага берилади;

КСЗ ҳудудидаги кўчмас давлат мулкидан ижара даврида фойдаланиш учун ижарага олинган майдонда амалга оширилаётган фаолият туридан ке-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

либ чиққан ҳолда, ортиб борадиган коэффициентни қўлламадан ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади;

КСЗ иштирокчиларига инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ–3356-сон қарори билан ташкил этилган Бухоро вилояти эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан қабул қилинади.

4. Бухоро вилояти эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши бир ой муддатда:

мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган КСЗ фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилсин;

Бухоро вилояти ҳокимлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган давлат унитар корхонаси шаклида ягона КСЗ дирекциясини ташкил этсин.

5. Белгилансинки, КСЗ дирекцияси ва иштирокчиларига 2020 йилнинг 1 ноябрига қадар улар эгаллаб турган майдондан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ер солигининг белгиланган энг кам миқдори — уч баравардан кам бўлмаган ягона солиқ тўлови бўйича қонунчиликда назарда тутилган талаблар татбиқ этилмайди.

6. Бухоро вилояти кичик саноат зоналари ва «Бухоротехнопарк» ДУК муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бухоро вилояти эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг асосланган ҳисобкитоблари бўйича ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ бўлиниш чегарасигача Бухоро вилояти КСЗ ва «Бухоротехнопарк» ДУК муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Бухоро вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Бухоро вилояти КСЗ ва «Бухоротехнопарк» ДУК муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш учун тармоқ жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

7. Бухоро вилояти эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда:

икки ой муддатда Бухоро вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурслари ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда КСЗ ҳудудида тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларнинг импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар — «йўл хариталари» ишлаб чиқилишини таъминласин;

КСЗ ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларнинг импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган турлари тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорлик субъектларига етказсин;

КСЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга оширишга тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, КСЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларининг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминласин;

тадбиркорлик субъектларига КСЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестициявий лойиҳаларнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда кўмаклашсин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисидаги 2018 йил 15 ноябрь ва 2019 йил 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги уч ҳафта муддатда КСЗ ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича дирекцияларнинг ваколатларини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтиришга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, иқтисодиёт вазири Б.А. Ходжаев ва Бухоро вилояти ҳокими У.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 октябрь,
ПҚ-3965-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**812 Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишга бўлган имкониятларини кенгайтди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшиланишига олиб келди.

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табобати йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, халқ табобатининг замонавий тиббиёт тизимида тутган мақоми ва роли хусусида қатор саволлар юзга келмоқда, хусусан:

биринчидан, халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратилмаган, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, халқ табобати усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назорати амалга оширилмаяпти;

иккинчидан, халқ табобати усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг миқдорлар соғлиғига зарар етказганлик учун масъулияти белгиланмаган, шунингдек, халқ табобати вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;

учинчидан, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизмлари мавжуд эмас;

тўртинчидан, халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табобати бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Қўйидагилар белгилансин:

халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилади;

халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензия-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 октябрда эълон қилинган.

лаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилади;

халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланадилар;

тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ таоботи усулларини қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. Халқ таоботини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар эътироф этилсин:

халқ таоботи соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарлигини белгилаш;

халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имкониятини яратиш учун халқ таоботининг кўп йиллик кўникмалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютуқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

халқ таоботи соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ таоботи мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва маънасини ошириш тизимини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикасида халқ таоботини ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов — ушбу Дастурда назарда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида халқ таоботини тартибга солиш ва янада ривожлантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов — ушбу қарор асосида вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларнинг самарали ва лозим даражада бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

республика тиббиёт олий ўқув юртларининг «Даволаш иши», «Педиатрия иши», «Тиббиёт-педагогика иши» бакалавриат йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ таоботи бўйича махсус ўқув циклини жорий этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ таоботи кафедраси ва «Халқ таоботи» йўналиши бўйича малака ошириш курсини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Халқ таоботи усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта муддатда Махсус комиссия таркибини шакллантирсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига халқ таоботини ривожлантириш ва халқ таоботи усулларида фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш доирасида:

халқ таоботи мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштириш, шунингдек, ўзбек халқ таоботининг бой тарихий анъаналари ва ноёб меросини ўрганиш, халқ таоботи йўналишларини тизимлаштиришда ташкилий ва услубий ёрдам бўйича чуқур илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

бошқа мамлакатларнинг халқ таоботини ифодаловчи таниқли ташкилотлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2018 йил 15 ноябрга қадар:

давлат таълим стандартларининг талаблари асосида халқ таоботи бўйича ўқув дастурини;

халқ таоботи усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган биноларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

б) 2018 йил 1 декабрга қадар:

халқ таоботи усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага нисбатан минимал талабларни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Халқ таоботи усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил охирига қадар халқ таоботи усулларида фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи

ташкilotлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибалари, хизмат кўрса-тиш турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни қамраб олган ягона маълумот-лар базасини шакллантиришни, оммабоп фойдаланиш учун Ўзбекистон Рес-публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштиришни, шунингдек, ушбу турдаги ташкilotлар фаолиятини лицензиялаш амалга оширилиши билан базани доимий равишда янгилаб боришни таъминласин;

г) «халқ таоботи» йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритсин;

д) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғри-сида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амал-га ошириш бўйича молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телера-диокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мунтазам чиқишлар ҳамда мавзули кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил-лаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-каси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳаки-мов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 октябрь,
ПҚ-3968-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

813 Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 19 февралдаги ПКҚ–3549-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг кейинчалик ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ҳудудий манзилли рўйхатларининг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳудудий кенгашларни бир ҳафта муддатда 2-иловага** мувофиқ таркибда шакллантирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмасини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 октябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 октябрь,
821-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 12 октябрдаги 821-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва
ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг ҳудудий
манзилли рўйхатларини шакллантириш ва
молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом белгиланган тартибда тасдиқланадиган устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари доирасида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:
устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхати — ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг ҳар йили ҳудудий кенгашлар томонидан тасдиқланадиган рўйхати;

лойиҳа — вақтинча ҳамда ресурслар чекланган шароитларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш соҳасида маҳсулот (товар, ишлар, хизматлар) яратишга йўналтирилган ўзаро боғланган тадбирлар комплекси ёки алоҳида тадбирлар;

лойиҳа ташаббускори — маҳаллий давлат ҳокимият органлари, вазирликлар ва идораларнинг мансуб ташкилотлари, шунингдек, ҳудудлардаги лойиҳани амалга оширишга инновацион таклифлар тақдим этган тадбиркорлик субъектлари (юримдик шахслар);

лойиҳани бажарувчи — лойиҳа ташаббускори томонидан, белгиланган тартибда конкурс ва тендер савдоларини ўтказиш йўли билан аниқланадиган юримдик шахс;

ишчи орган — устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритиш учун лойиҳалар рўйхатини шакллантирадиган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси.

3. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхати ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ Схема бўйича шакллантирилади.

2-боб. Ҳудудларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш мақсадлари ва тартиби

4. Қуйидагилар ҳудудларда устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш мақсадлари ҳисобланади:

ахборотлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатларини шакллантиришни молиялаштириш ёки лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган маблағларни самарали тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни таъминлайдиган амалий механизмни жорий қилиш;

давлат органларининг манфаатлари йўлида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг муҳим ва устувор идоралараро лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

«Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари сифатини оширишни таъминлайдиган лойиҳаларни биринчи навбатда молиялаштириш;

лойиҳаларни шакллантиришда ва молиялаштиришда шаффофликни таъминлаш.

5. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалар киритилади:

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли мобил алоқа ҳамда Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни таъминлаш;

соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларида замонавий ахборот тизимларини, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий қилиш, шунингдек, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳарлар ва ҳудудларни ташкил қилиш;

давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, экспортга йўналтирилган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш;

жойларда, айниқса, олис жойларда электрон давлат хизматларини тақдим этиш тизимини янада кенгайтириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникацияларини қўллаш соҳасида аҳоли саводхонлигини ошириш;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

почта алоқаси соҳасини ва почта алоқаси миллий оператори бўлган «Ўзбекистон почтаси» АЖ фаолиятини такомиллаштириш.

6. Лойиҳани устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритиш учун юридик шахс-ташаббускорнинг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган лойиҳа паспорти Ишчи органга тақдим этилади. Лойиҳа паспорти:

лоийҳанинг мақсади ва вазифалари;

техник хусусиятини;

эришиладиган натижалар;

ташкилий тадбирлар кўлами ва самарадорлигини баҳолашни;

лоийҳани амалга ошириш учун зарур маблағларга бўлган эҳтиёж ва маблағ ҳажмини ўз ичига олади.

7. Ишчи орган лойиҳалар ташаббускорларининг тақдим этилган таклифлари асосида ҳудудий кенгаш мажлисларида кўриб чиқиш учун дастлабки рўйхатни тузади.

8. Қуйидагилар лойиҳанинг устуворлигини белгилашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

лоийҳанинг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатига мувофиқлиги;

дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимлари соҳасидаги маҳаллий ишланмалардан фойдаланиш даражаси;

кутиладиган натижаларнинг аҳамиятлилиги ва самарадорлиги;

лоийҳанинг ижтимоий аҳамиятлилиги;

лоийҳанинг амалга оширишга тайёрлик даражаси (зарур инфратузилма, техник ҳужжатлар, техник ҳужжатлар бўйича ваколатли органлар эксперт хулосасининг мавжудлиги).

9. Аниқ бир лойиҳа, уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, иқтисодий ва молиявий самарадорлиги, амалга ошириб бўлишлиги ва давлат органларининг манфаатлари йўлидаги вазифаларга мослиги асосида танлаб олинади.

10. Устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатини шакллантиришда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида киритилади, унча катта бўлмаган бир турдаги лойиҳалар бир бутун сифатида киритилиши мумкин (масалан, ахборот тизимлари комплексини яратиш, интерактив давлат хизматларини жорий қилиш).

11. Устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатлари ҳар йили ҳудудий кенгашлар қарорлари билан тасдиқланади ва тегишли ҳудудда мобиль алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушадиган сумманинг 5 фоизигача бўлган миқдорда Жамғарма маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

12. Ҳудудий кенгашларнинг қарорлари лойиҳаларни Жамғарма томонидан белгиланган тартибда молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

13. Марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг тегишли қарорлари доирасида

масъул вазирлик ва идоралар ҳисобидан амалга ошириш назарда тутилادиган лойиҳалар устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатлари доирасида қайта молиялаштирилмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг баёнлари топшириқлари, қарорларида белгиланган вазифаларга мувофиқ ишчи орган йил давомида, истисно тариқасида, кўриб чиқиш ва кейинчалик ҳудудий кенгашга тасдиқлашга тақдим этиш мақсадида лойиҳаларни устувор лойиҳаларнинг ҳудудий манзилли рўйхатига киритиш учун тақлиф этиши мумкин.

15. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли лойиҳа-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади.

16. Жамғарма маблағларини тежаш мақсадида устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритиш назарда тутилادиган лойиҳалар марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин.

3-боб. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш муддатлари

17. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш жараёни лойиҳаларнинг янгиланган рўйхатини ҳар йил охирида тайёрлашни таъминлайдиган йиллик жараён бўлиб, ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ Схема бўйича амалга оширилади.

18. Ишчи орган ҳар йили 1 августгача маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идораларнинг мансуб ташкилотларига ахборотлаштиришни ривожлантириш давлат сиёсатидан, «Электрон ҳуқумат» тизимини ва интеграциялаштирилган ахборот тизимларини янада жорий қилиш доирасидаги вазифа ва мақсадли йўналишлардан келиб чиққан ҳолда устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритиш учун тақлифлар тайёрлаш юзасидан услубий кўрсатмалар юборади.

19. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритиш учун тақлифлар қуйидаги тартибда тайёрланади:

лойиҳа ташаббускорлари ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари асосида жорий йил 15 сентябргача кўриб чиқиш ва кейинчалик танлаш учун лойиҳаларни ишчи органга тақдим этади;

ишчи орган жорий йил 30 сентябргача лойиҳаларни кўриб чиқиш учун ҳудудий кенгашга тақдим этади;

ҳудудий кенгаш жорий йилнинг 20 октябрдан кечиктирмасдан тақдим этилган лойиҳаларни ушбу Низомда белгиланган мезонлар асосида самарали танлаш мақсадида кўриб чиқади ва ўрганади.

20. Ҳудудий кенгашлар лойиҳаларни жамлагандан сўнг устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини жорий йилнинг 1 ноябрдан кечиктирмас-

дан ушбу Низомга 2-иловада* назарда тутилган намунавий шаклга мувофиқ тасдиқлайди.

21. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатга бир йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошириладиган ва йиллар ва чораклар бўйича молиялаштириш даври аниқ кўрсатилган лойиҳалар киритилиши мумкин.

4-боб. Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби

22. Лойиҳалар ташаббускорлари ҳудудий кенгашлар томонидан ишчи орган белгиланган тартибда жалб қилинган ҳолда устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқлангандан сўнг Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари доирасидаги янги лойиҳалар бўйича «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига риоя этилган ҳолда харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширади.

Белгиланган тартибда амалга оширилган харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари бўйича ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳалар ташаббускорлари, тизим интеграторлари ва/ёки товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари ҳамда Жамғарма ўртасида устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун уч томонлама шартномалар тузилади.

23. Жамғарма томонидан устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини амалга оширишни молиялаштириш учун лойиҳа ташаббускорининг буюртма-номалари бўйича лойиҳа ташаббускори, лойиҳа ижрочиси ва Жамғарма ўртасида имзоланган уч томонлама шартнома асосида маблағлар ажратилади.

24. Лойиҳалар Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш юзасидан белгиланган тартибда тасдиқланган жадваллар ҳамда бажарилган ишлар далолатномалари асосида босқичма-босқич молиялаштирилади.

25. Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг бажарилган ишларнинг якуний далолатномасини имзолаш учун лойиҳа ташаббускори ва ишчи орган мутахассислардан таркиб топадиган қабул қилиш комиссияси ташкил этилади.

26. Қабул қилиш комиссияси бажарилган лойиҳанинг техник топширик, лойиҳа-техник ҳужжатлар ва белгиланган вазифаларга мувофиқлиги бўйича хулосани, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган, харид қилинган ва жорий этилган аппарат-дастурий комплекслар ҳамда дастурий маҳсулотларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузади.

Устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритилган ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан лойиҳалар доирасида ишлаб чиқилган, харид қилинган ва жорий этилган аппарат-дастурий комплекслар ва дастурий маҳсулотлар агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача белгиланган бўлмаса, лойиҳалар ташаббускорларига берилади.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Лойиҳалар ташаббускорлари агар қонун ҳужжатларида бошқача белги-ланмаган бўлса, устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатлари доирасида реализация қилинган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини кейинчалик кузатиб бориш ва янада қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

27. Ишчи орган бажарилган лойиҳалар доирасида жорий этилган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини кейинчалик кузатиб бориш ҳамда қўллаб-қувватлаш ҳолати мониторингини юритади.

28. Мониторинг натижаларидан ҳудудий кенгашга лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва лойиҳадан кейинги мониторинг тўғрисида ҳар чорақда ҳисоботлар тайёрлашда фойдаланилади.

29. Лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли шакллантирилиши ҳамда ҳудудий кенгашга киритилиши учун ишчи орган жавоб беради.

30. Лойиҳаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида яратилган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини кейинчалик кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлаш, тайёрланадиган лойиҳалар (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборотнинг ишончлилиги учун лойиҳа ташаббускорлари масъулдир.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

814 Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2479-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 5¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юриши» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3852-сон Қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарори (рўйхат рақами 2479, 2013 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 380-модда) билан тасдиқланган Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошидаги «ва муҳри» сўзлари « , шу жумладан электрон рақамли имзоси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 сентябрь,
5-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 октябрда эълон қилинган.

Келишилган:

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 26 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

815 Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-1*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 19 августдаги 01-02/12-58-сон қарори (рўйхат рақами 2823, 2016 йил 13 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 436-модда) билан тасдиқланган Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 август,
01-02/12-59-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил
31 августдаги 01-02/12-59-сон қарорига
ИЛОВА

**Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари
тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт
режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга
олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар**

1. 1-банднинг олтинчи хатбошиси «хужжатга эга» деган сўзлардан кейин «ҳамда божхона тўловларини тўланишига жавобгар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 3¹-боб билан тўлдирилсин:

**«3¹-боб. Божхона органи рухсатисиз товарлар бериб
юборилганда, йўқотилганда ёки манзил божхона постига
белгиланган муддатда ва ўзгармас ҳолатда етказилмаганда
божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш**

13¹. Божхона органи рухсатисиз товарлар бериб юборилганда, йўқотилганда ёки манзил божхона постига белгиланган муддатда ўзгармас ҳолатда (табiiй эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно) етказилмаганлиги ҳолати аниқланганда манзил божхона пости мазкур ҳолатлар аниқланган санадан бошлаб 3 иш куни ичида ҳудудий бошқарма раҳбариятига ёзма ахборот беради.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар бўйича манзил божхона пости томонидан ахборот келганда ҳудудий бошқарма раҳбарияти 2 иш куни ичида товарларга божхона тўловларини ҳисоблаш бўйича зарур чораларни кўради.

Тақдим қилинган ҳамда ДБҚ ЯААТдан олинган маълумотлар асосида 3 иш куни ичида мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган шаклда далолатнома тўлдирилади, ушбу далолатнома божхона тўловлари ва пеняларни сўзсиз ундириб олиш ҳақидаги талабнома билан бирга ДБҚ ЯААТ ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўл билан:

ваколатли шахсга;

кафилга (кафиллик билан таъминланганда);

банкка (банк кафолати билан таъминланганда);

суғурталовчи ташкилотга (суғурта билан таъминланганда) юборилади.

13². Божхона назорати остида ташилаётган товарларни тўлиқ манзил божхона постига етказиш чоралари кўрилиши ёки далолатнома асосида божхона тўловлари тўлаш муддати талабнома тўловчига топширилган ёки у тўловчи томонидан олинган куннинг эртасидан эътиборан ўн иш кунини ташкил этади.

13³. Ваколатли шахс, кафил, кафолат берувчи банк ёки суғурталовчи ташкилот томонидан талабномадаги талаблар бажарилмаганда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 47-бобига мувофиқ чоралар кўрилади, шу жумладан талабнома юборган ҳудудий бошқарма томонидан судга ваколатли шахсга чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилиш бўйича идентификацион код беришни вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида даъво аризаси киритилади.

13⁴. Идентификацион код беришни вақтинча тўхтатиб туриш ҳақидаги даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилганда, тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари ва пенялар тўлиқ ундирилгунга қадар ваколатли шахсга чет эл товарларини ташиётган автотранспорт воситаларига нисбатан божхона ҳамроҳлигида кузатиб боришдан озод қилиш бўйича идентификацион код берилиши тўхтатилади. Бу тўғрисида божхона органи томонидан ДБК ЯААТга тегишли форматли-мантикий назорат ўрнатилади.

13⁵. Товарларни божхона органи рухсатсиз бериб юбориш, йўқотиш ёки манзил божхона постига белгиланган муддатда ўзгармас ҳолатда етказмаслик оқибатида ҳисобланган божхона тўловлари ундириб олинганидан сўнг товарни етказиб беришнинг назорат ҳужжати назоратдан ечилади.»

3. Мазкур қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда илова билан тўлдирилсин.

Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчаларга

ИЛОВА

«Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга

ИЛОВА

Божхона тўловлари ва пеняларни ваколатли шахсдан сўзсиз ундириш тўғрисида ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил «__» _____ рўйхатдан ўтган давлат рақами _____
(рақами)

бўлган автотранспорт воситасини расмийлаштириш ____/____/____ рақамли
(пост коди) (санаси) (рақами)

Юкни етказиб бериш назорат ҳужжати асосида божхона назорати остида
_____дан
(божхона органи номи)

_____гача
(божхона органи номи)

_____томонидан
(ваколатли шахс номи, жойлашуви (почта манзили))

берилган чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловларини таъминлаш асосида _____-сонли идентификацион код
_____томонидан ташилаётган
(ташувчи номи, жойлашуви (почта манзили))

божхона қиймати _____га тенг, вазни _____кг бўлган
(АҚШ доллариди) (нетто вазни)

товарлар божхона органи рухсатисиз товарлар бериб юборилганлиги (йўқотилганлиги, белгиланган божхона органига етказилмаганлиги) ҳолати аниқланган ва 20__ й. «__» _____куни қайд этилган.

_____товарини божхона органи рухсатисиз товарлар бериб юборилганлиги (йўқотилганлиги, белгиланган божхона органига етказилмаганлиги) учун идентификацион код эгаси _____томонидан
(ваколатли шахс номи)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ, қуйидаги божхона тўловлари ва пенялар тўланиши лозим:

Божхона божи _____ /сумма/
 ҚҚС _____ /сумма/
 Акциз солиғи _____ /сумма/
 Бошқа божхона тўловлари _____ /сумма/
 Тўловлар тўланиши кечиктирилганлиги учун пеня _____
 _____ /сумма/

Жами: тўланиши лозим бўлган _____ /сумма/
 20__ й. «__» _____ даги _____-сонли
 сўзсиз ундирилган тўлов ҳужжати умумий суммаси _____
 _____ божхона
 органлари _____-сонли ҳисоб рақамига
 (божхона органи ҳисоб рақами, банк номи, КТУТ рақами)

_____ йил «__» _____ куни келиб тушган сумма Ваколатли шахсдан талаб қилинган суммани _____ сабабли ундириш имконияти мавжуд эмас.

Божхона органи ходими имзоси _____
 (лавозими, Ф.И.О., имзо)

М.Ў. _____».

4. Мазкур қўшимчалар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

*Ахборот технологиялари
 ва коммуникацияларини
 ривожлантириш вазири*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

816 Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкларини ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3076

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режасини тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкларини ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сон «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2720, 2015 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 540-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 сентябрь,
20-2018-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон
буйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг
ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва
«устоз-шогирд» ишларини белгилаш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини белгилайди.

Мазкур Қоидалар Тошкент давлат юридик университети, ҳарбий олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби (бундан буён матнда профессор-ўқитувчилар деб юритилади) меҳнатини нормалаштириш ҳар ўқув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудири томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда ўқув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўқув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўқув йили якунида фақат мазкур ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услугий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари:

тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларига мувофиқ шакллантирилади.

4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равишда кафедра мудири, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўқув бўлими (ўқув-услубий бошқарма) ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

2-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини ҳисоблаш

5. Профессор-ўқитувчиларнинг (маданият ва санъат йўналишлари ўқув машғулотида иштирок этадиган концертмейстерларнинг) ўқув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўқув юкларининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида* назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкларига ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўқув юкларига ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув юкларига бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллار бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкларига ҳажми кафедра йиғилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўқув юкларининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкларига қўшимча равишда тақсимланади.

8. Маъруза машғулоти илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулоти ҳажми кўп бўлганда) ёки профессор, доцент ва катта ўқитув-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бироқ илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўқув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўқув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзгартириш киритиш мумкин.

3-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш

9. Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида* назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

10. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўникмаларни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудири ўқитишни илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишлари бўйича аниқ топшириқларни белгилайди.

4-боб. Якуний қоида

12. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат солиқ қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси билан келишилган.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

817 Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2945-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3702-сон «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3703-сон «Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3704-сон «Тошкент давлат аграр университетини олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бўюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 16 октябрдаги 18-2017-сон буйруғи (рўйхат рақами 2945, 2017 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 45-сон, 1123-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 сентябрь,
22-2018-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 14 сентябрдаги 22-2018-сон
буйруғига
ИЛОВА

Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 8-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«		Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси;						».
	8.	Қишлоқ хўжалиги	Қишлоқ хўжалигида менежмент таълим соҳаси; Ветеринария таълим соҳаси; Ирригация ва мелиорация таълим соҳаси	10,3	10,3	9,5	8,0	

2. Изоҳнинг саккизинчи хатбошисидаги «Тошкент ислом университети» деган сўзлар «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 14 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

818 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 25 июлдаги 199-сон буйруғи (рўйхат рақами 3060, 2018 йил 28 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2018 й., 10/18/3060/1806-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Тошкент ш.,
2018 йил 24 сентябрь,
243-сон

Б. ТАШМАТОВ

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил
24 сентябрдаги 243-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Танловда иштирок этиш истаги бўлган фуқаролар қоида тариқасида доимий яшаш жойлари бўйича Миллий гвардия бўлинмаларига мурожаат этишлари лозим.».

2. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Миллий гвардия бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишда номзод бўйининг баландлиги қуйидаги махсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

Фахрий қоровул ва бошқа барча бўлинмаларга — 185 сантиметрдан паст бўлмаслиги;

Отлиқ аскарлар эскадронига — 175 сантиметрдан паст бўлмаслиги.».

3. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган махсус талабларга жавоб бермайдиган илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фуқаролар, тор ихтисослик бўйича мутахассислар, шунингдек спортнинг алоҳида турлари бўйича республика ёки халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчилар ҳамда спорт усталари истисно тариқасида Миллий гвардия бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинишига рухсат этилади.».

4. 21-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳарбий-профессional танлашдан ўта олмаган номзодлар танловнинг кейинги босқичига қўйилмайди.».

5. 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда қоникарсиз деб баҳоланган номзод, ҳарбий-профессional танлашнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

Номзод, умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш машқларини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 3 маротаба қайта топшириши мумкин, бироқ синов бўлиб ўтган куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.».

6. 7-илованинг иловаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Психологик тест натижаларини ҳисоблаш
ЖАДВАЛИ**

Тоифаси	1-вазифа	2-вазифа	3-вазифа	4-вазифа	5-вазифа	6-вазифа	
						Асабий-руҳий барқарор	Асабий-руҳий беқарор
I	36 — 40	26 — 30	60 — 70	22 — 25	39 — 50	1-2	1 — 3
II	30 — 35	19 — 25	47 — 59	17 — 21	25 — 38	6 — 3	22 — 4
III	24 — 29	13 — 18	33 — 46	11 — 16	15 — 24	9 — 7	41 — 23
IV	0 — 23	0 — 12	0 — 32	0 — 10	0 — 14	10 — 25	99 — 42

«6-вазифа бўйича олинган натижаларни «Ишончлилик» шкаласи бўйича баҳолаш

Ишончлилик шкаласи	
Самимий	Носамимий
0 дан 8 гача	9 дан 19 гача

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

819 «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги, 2017 йил 18 июлдаги 515-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон «Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 1-2017, 4-қ/қ, 13-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 октябрда эълон қилинган.

тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2859, 2017 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 122-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
18-2018-сон

И. МАДЖИДОВ

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
22-қ/қ-сон

Ш. КУДБИЕВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
122-сон

Д. КУЧКАРОВ

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

820 Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2902-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПК-3016-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 июлдаги 85 ва 2017-33-сон қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 2902, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 749-модда) Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин:

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 сентябрь,
129-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 сентябрь,
2018-73-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги
129 ва 2018-73-сон қарорига
ИЛОВА

**Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий
газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро
бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш
манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимчалар**

1. 6-бандда «қайта ҳисоб-китоб қилинади» деган сўзлардан кейин «ёки ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 6¹ ва 6²-бандлар билан тўлдирилсин:

«6¹. Ортиқча (хато) ўтказилган маблағларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Истеъмолчилар, электр энергияси ва табиий газ учун ортиқча (хато) ўтказилган маблағларни қайтариш юзасидан «Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖга ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига ёзма ёки электрон шаклда («Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖнинг расмий веб-сайти) ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади) билан мурожаат қилади.

Истеъмолчиларнинг мазкур аризасига асосан «Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖнинг ҳудудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлими томонидан электр энергияси ёки табиий газ учун ортиқча (хато) тўланган маблағларни қайтариш тўғрисида далолатнома тузилади ҳамда мазкур бўлинмаларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари томонидан имзоланади.

Ортиқча (хато) тўланган маблағларни қайтариш тўғрисида далолатнома икки иш куни ичида «Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖга тақдим этилади.

Ҳудудий бўлинмалар томонидан тақдим этилган далолатномалар асосида, бир иш куни ичида «Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан истеъмолчиларнинг ортиқча (хато) тўланган пул маблағларини қайтариш тўғрисидаги далолатномалар рўйхати тузилади ва мазкур рўйхат Жамғармага тақдим қилинади.

Жамғарма, тақдим этилган рўйхат асосида икки иш куни давомида «Ўзбекэнерго» АЖ ҳудудий бўлинмаларининг махсус ҳисобварағига (22604) ёки «Ўзтрансгаз» АЖнинг асосий ҳисобварағига (20210) мазкур Низомнинг 6²-бандида келтирилган формулага мувофиқ ҳисоб-китоб қилиб, ортиқча (хато) тўланган маблағларни қайтаради.

«Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖ бир иш куни давомида Жамғарма томонидан қайтарилган маблағларга ортиқча (хато) тўланган маблағларнинг қолган қисмини қўшган ҳолда (далолатномада кўрсатилган маблағ) истеъмолчиларнинг ҳисобварағларига ўтказиб беради.

«Ўзбекэнерго» АЖ ёки «Ўзтрансгаз» АЖ ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ортиқча (хато) тўланган маблағлар истеъмолчиларнинг ҳисобварағига қайтаришда банклар томонидан хизмат ҳақи ундирилмайди.

6². Жамғарма томонидан қайтариладиган маблағ миқдори қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$S_{\text{(қайтариш)}} = (S_{\text{ортиқча(хато)}}) - ((S_{\text{ортиқча(хато)}}) \times 20 / 120) \times 10/100, \text{ бунда:}$$

$S_{\text{(қайтариш)}}$ = Жамғарма томонидан қайтариб бериш лозим бўлган маблағ миқдори;

$S_{\text{ортиқча(хато)}}$ = истеъмолчи томонидан ортиқча (хато) ўтказилган маблағ;

20/120 = истеъмолчи томонидан ортиқча (хато) ўтказилган маблағда қўшимча қиймат солиғи ҳиссаси;

10/100 = истеъмолчи томонидан ортиқча (хато) ўтказилган маблағда Жамғарма ҳиссаси.».

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш Жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан келишилган.

Бош вазир ўринбосари

Геология, ёқилғи-энергетика мажмуаси,

кимё, нефткимё ва металлургия

саноати масалалари комплекси раҳбари,

«Ўзбекнефтгаз» Бошқарув раиси

А. СУЛТАНОВ

2018 йил 10 сентябрь

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 10 сентябрь

*«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқаруви раиси*

У. МУСТАФОЕВ

2018 йил 10 сентябрь

*«Ўзбекнефтгаз» бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

У. САЙИДОВ

2018 йил 10 сентябрь

*«Ўзтрансгаз» АЖ
бошқаруви раиси*

Ш. ТУРСУНОВ

2018 йил 10 сентябрь

*Мажбурий ижро бюросини
ривожлантириш жамғармаси
директори*

З. ИВАТОВ

2018 йил 10 сентябрь

*Бош прокуратура ҳузуридаги
Мажбурий ижро бюроси директори*

Б. КУДРАТХОДЖАЕВ

2018 йил 10 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

821 Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 август,
2018-65-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил
15 августдаги 2018-65-сон қарорига
ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати
органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кўчмас мулк ижара шартномаларини дав-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

лат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Кўчмас мулк ижара шартномалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда тузилади ва давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 612-моддасига мувофиқ уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузилган ҳисобланади.

3. Жисмоний шахслар томонидан Уй-жойни ижарага бериш шартномалари мазкур Низомнинг 1-иловасидаги намунавий шаклга мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан ихтиёрий шаклда тузилади.

4. Тарафларнинг келишувига биноан Уй-рўзғор буюмларини топшириш-қабул қилиш ва коммунал тўловлар учун ўрнатилган ўлчов асбобларининг кўрсаткичларини қайд қилиш далолатномаси мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Уй-жойни ижарага бериш шартномаларига илова қилиши мумкин.

2-боб. Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш шартлари

5. Ижарага берувчи ёки унинг вакили (ишончли бошқарувчи) кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ кўчмас мулк ижара шартномасини мажбурий ҳисобга қўйиш ҳақида сўровнома;

б) кўчмас мулк ижара шартномаси;

в) ижарага берувчи жисмоний шахснинг ёки юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи, вакилнинг (ишончли бошқарувчининг) ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси.

Мазкур бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

6. Ижарага берувчи ёки унинг вакили (ишончли бошқарувчи) кўчмас мулк ижара шартномасини шартнома тузилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органида ҳисобга қўйиши шарт.

7. Кўчмас мулк ижара шартномасининг ойлик ижара тўлови суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

8. Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйишда тўлов ундирилмайди.

3-боб. Кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш

9. Кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш ижарага берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинети (бундан буён шахсий кабинет деб юритилади) орқали электрон тарзда амалга оширилади.

Бунда, ижарага берувчи томонидан шахсий кабинет орқали мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ сўровнома тўлдирилади ва унга кўчмас мулк ижара шартномаси ҳамда ижарага берувчи жисмоний шахснинг ёки юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси бириктирилади.

10. Ижарага берувчи ёки унинг вакилининг (ишончли бошқарувчиси) хошишига кўра кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш ижарага берувчининг доимий яшаш манзили (юридик шахснинг рўйхатдан ўтган жойи) ёки кўчмас мулк жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига шахсан қоғоз шаклида тақдим этилиши мумкин.

11. Давлат солиқ хизмати органи томонидан кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш ижарага берувчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда амалга оширилганда реал вақт режимида, қоғоз шаклида тақдим этилганда ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Бунда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулк ижара шартномаси ҳисобга қўйилганлиги ҳақида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ QR-коди мавжуд билдиришнома ижарага берувчининг шахсий кабинетига юборилади ёки ижарага берувчига ёхуд унинг вакилига (ишончли бошқарувчисига) тақдим этилади.

Билдиришноманинг ҳақиқийлиги QR-кодни махсус мобил илова орқали текшириб кўриш билан аниқланади. Билдиришноманинг QR-коди текширилганда ҳисобга қўйилган кўчмас мулк ижара шартномасининг электрон шаклига XML форматида ҳавола қилинади.

12. Кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлмаганда давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулк ижара шартномасини ҳисобга қўйиш рад этилади.

13. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи жисмоний шахс бўлганда, кўчмас мулк ижара шартномаси давлат солиқ хизмати органида ҳисобга қўйилгандан сўнг, ўша вақтнинг ўзида жорий йил учун ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномаси ижарага берувчининг шахсий кабинетига юборилади ёки ижарага берувчига ёхуд унинг вакилига (ишончли бошқарувчисига) тақдим этилади.

4-боб. Кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилиш ва уни мажбурий ҳисобга қўйиш

14. Кўчмас мулк ижара шартномаси шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин бекор бўлади.

Кўчмас мулк ижара шартномаси суд тартибида бекор бўлганда, ижара-

га берувчи суд қарорини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиши лозим.

Тарафларнинг келишувига биноан кўчмас мулк ижара шартномаси муддатидан олдин бекор бўлганда кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида келишув давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш учун тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг келишувига биноан кўчмас мулк ижара шартномаси муддатидан олдин бекор бўлганда кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида келишув мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан ихтиёрий шаклда тузилади.

15. Ижарага берувчи кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш учун ўзининг шахсий кабинети орқали мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровномани электрон тарзда юборади. Бунда сўровномага кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишув бириктирилади.

16. Ижарага берувчи ёки унинг вакилининг (ишончли бошқарувчиси) хоҳишига кўра, кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги сўровнома кўчмас мулк ижара шартномаси ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органига қоғоз шаклида тақдим этилиши мумкин.

17. Давлат солиқ хизмати органи томонидан кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувни ҳисобга қўйиш ижарага берувчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юборилганда реал вақт режимида, қоғоз шаклида тақдим этилганда ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Бунда, кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишув ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ QR-коди мавжуд билдиришнома давлат солиқ хизмати органлари томонидан ижарага берувчининг шахсий кабинетига юборилади ёки ижарага берувчига ёхуд унинг вакилига (ишончли бошқарувчисига) тақдим этилади.

Билдиришноманинг ҳақиқийлиги QR-кодни махсус мобил илова орқали текшириб кўриш билан аниқланади. Билдиришноманинг QR-коди текширилганда ҳисобга қўйилган кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувнинг электрон шаклига XML форматида ҳавола қилинади.

18. Давлат солиқ хизмати органи сўровномага асосан кўчмас мулк ижара шартномасининг бекор қилинганлиги тўғрисида ўзининг ахборот тизимида тегишли ўзгартиришларни киритади.

5-боб. Яқуний қоидалар

19. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

20. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат давлат

солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Ж. ҚЎЧҚОРОВ

2018 йил 15 август

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2018 йил 7 август

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 10 август

Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Уй-жойни ижарага бериш шартномаси (намунавий шакл)

_____ (тузилган сана)

_____ (тузилган жой)

Биз, _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ___ -уй ___ -хонадонда доимий пропискада турувчи, _____ йилда туғилган _____ (паспорт серияси __, рақами _____, _____ йилда _____ туман (шаҳар) ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан ва _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ___ -уй ___ -хонадонда доимий пропискада турувчи, _____ йилда туғилган _____ (паспорт серияси _____, рақами _____, _____ йилда _____ туман (шаҳар) ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Шартноманинг предмети

1. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган

_____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) _____ -уй _____ -хонада жойлашган уй-жойни Ижарага олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига бердим, мен Ижарага олувчи ушбу уй-жойни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун қабул қилдим.

2. Ижарага берилаётган уй-жой қуйидагилардан иборат:

умумий фойдаланиш майдони _____ (майдони сўзлар билан) m^2 , яшаш (фойдаланиш) майдони _____ (майдони сўзлар билан) m^2 бўлган (_____ та яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, санузел ва ҳоказо)ни ташкил этади.

3. Юқорида кўрсатилган уй-жой Ижарага берувчига _____ туман (шаҳар) _____ -сон давлат нотариал идораси томонидан (_____ реестр рақами ва санаси) реестр рақами билан қайд қилинган уй-жойни (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномаси, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага ва ҳоказо) асосан тегишли бўлиб, уй-жойнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида _____ реестр рақами рўйхатга олинган.

4. Ижарага берувчи юқорида кўрсатилган уй-жойни Ижарага олувчига _____ (йил, ой, кун) муддатга, яъни _____ (йил, ой, кун)гача топширади.

2. Ижара ҳақи

5. Ижарага берилган уй-жойидан фойдаланиш учун ижара ҳақи тарафлар келишувига асосан ҳар (йил, ой, кун)га _____ сўмдан, умумий ижара ҳақи _____ сўмни ташкил қилади. Ижарага олувчи ўтган (ёки жорий) ой учун тўловни ҳар ойнинг _____ кунига қадар Ижарага берувчига тўлаши шарт.

6. Ижарага олувчи берилган уй-жойдан фойдаланиш учун ижара ҳақи тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузса Ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилишга ва ижарага берилган уй-жойни бўшатиб беришни Ижарага олувчидан талаб қилишга ҳақли.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Мен, Ижарага олувчи ижарага олинган уй-жойни вазифасига мувофиқ равишда фойдаланишни, ўз ҳолатида сақланишини таъминлашни, уни яхши ҳолда тутишни ҳамда санитария ва ёнғиндан сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя этишни, ижара ҳақини ўз вақтида тўлаб туришни ўз зиммамга оламан.

8. Мен, Ижарага олувчи (ёки Ижарага берувчи) совуқ ва иссиқ сувдан, электр энергия ва газдан, телефон алоқаси ҳамда маиший чиқиндилардан фойдаланганлик учун, шунингдек уй-жой билан боғлиқ бўлган барча тўловларни ўз вақтида тегишли ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тарифларда ва муддатда тўлашни ўз зиммамга оламан.

9. Мен, Ижарага берувчи мулк ҳуқуқи асосида тегишли мулкни ижарага берганлигим ва бунинг натижасида даромад олаётганим учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тегишли давлат солиқ хизмати органига тўлаб боришни ўз зиммамга оламан.

4. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш

10. Ушбу шартнома талабларини лозим даражада бажармаган ёки бажаришдан бош тортган тараф қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11. Уй-жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади, низо келиб чиққан тақдирда суд тартибида ҳал қилинади. Шартномани бекор қилиш ҳақида тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.

Уй-жойни ижарага олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан ижарага берувчини уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли.

5. Яқуний қоидалар

12. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 80, 176, 191 ва 192-моддалари мазмун ва моҳияти биз тарафларга тушунарли.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 606-моддаси ва тарафларнинг келишувига асосан ижарага берилган уй-жойда Ижарага олувчи билан бирга унинг оила аъзолари (биргаликда яшовчи оила аъзоларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси кўрсатилади) яшайди.

14. Мен, Ижарага берувчи мазкур шартнома имзолангунга қадар ижарага берилаётган уй-жой бошқа шахсга ўтказилмаган, гаровга қўйилмаган, низода йўқ ва ижарага берилиши тақиқланмаганлигини кафолатлайман.

15. Мазкур шартнома тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солиқ хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

Томонларнинг яшаш манзиллари:

Ижарага берувчи:

Ижарага олувчи:

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи (Ф.И.О.)

Ижарага олувчи (Ф.И.О.)

Имзо _____

Имзо _____

Изоҳ: шартнома шартларига тарафларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Кўчмас мулк ижара шартномаларини
давлат солиқ хизмати органларида мажбурий
хисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Уй-рўзғор буюмларини топшириш-қабул қилиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ (тузилган сана)

_____ (тузилган жой)

_____ (ижарага берувчи Ф.И.О.)

ТОМОНИДАН _____ га

_____ (ижарага олувчи Ф.И.О.)

ижарага берилган ўзимга тегишли бўлган _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) _____ -уй _____ -хонадонда жойлашган уй-жойининг биноси ичида мавжуд бўлган қуйидаги уй-рўзғор буюмларини:

Т/р	Уй-рўзғор буюмининг номи	Русуми	Миқдори	Ҳолати	Изоҳ

Бундан ташқари, ижарага берилган уй-жойининг коммунал тўловлари учун ўрнатилган ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари шартнома тузилган санада қуйидагича:

Т/р	Ўлчов асбобининг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Тамғаланганлиги	Изоҳ
1.	Электр энергия				
2.	Табий газ				
3.	Совуқ сув				
	...				

Ушбу буюмларни соз ҳолатда қайтариб олишга келишилди.

Қабул қилдим:

_____ (ижарага олувчи Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Топширдим:

_____ (ижарага берувчи Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Кўчмас мулк ижара шартномаларини
давлат солиқ хизмати органларида мажбурий
ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномасини мажбурий
ҳисобга қўйиш ҳақида
С Ў Р О В Н О М А**

1. Ижарага берувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Юридик шахснинг номи	
Ижарага берувчининг идентификация рақами (СТИР)	
Яшаш жойи (юридик манзили)	
Телефон рақами	
Электрон почта манзили	

2. Ижарага олувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Юридик шахснинг номи	
Ижарага олувчи юридик шахснинг идентификация рақами (СТИР)	
Яшаш жойи (юридик манзили)	
Телефон рақами	

3. Ижарага берилган кўчмас мулк тўғрисида маълумот:

Кўчмас мулкнинг тури	
Жойлашган манзили	
Ижарага берилган майдон	
Ижарага берилган сана	
Ижарага берилган муддат	
Бир ойлик ижара ҳақи тўлови (сўмда)	
Ижара ҳақининг умумий суммаси (сўмда)	

Ижарага берувчи

(вакил ёки ишончли бошқарувчи): _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

_____ (сана)

Кўчмас мулк ижара шартномаларини
давлат солиқ хизмати органларида мажбурий
ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Кўчмас мулк ижара шартномаси ҳисобга қўйилганлиги ҳақида Б И Л Д И Р И Ш Н О М А

Ижара шартномасининг реестр бўйича тартиб рақами: _____

Ижарага берувчининг Ф.И.О.
(юридик шахснинг номи): _____

Ижарага берувчининг яшаш жойи
(юридик шахснинг манзили): _____



Ижарага берувчининг идентификация
рақами (СТИР): _____

Ижара шартномаси ҳисобга олинган сана: 20__ йил «__» _____

Ижара шартномаси амал қилиш муддати: 20__ йил «__» _____

Ижарага берилган кўчмас мулкнинг жойлашган манзили: _____

Мазкур ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-кодни* махсус мобил илова орқали текшириб кўришингиз ёки ушбу ҳаволага (кўчмас мулк ижара шартномаси электрон шаклига ҳавола) кириб кўришингиз мумкин.

* QR-коди текширилганда кўчмас мулк ижара шартномаси электрон шаклининг XML форматида ҳавола шаклланади.

Кўчмас мулк ижара шартномаларини
давлат солиқ хизмати органларида мажбурий
ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномаси бекор
қилинганлиги ҳақида келишув**
(намунавий шакл)

_____ (тузилган сана)

_____ (тузилган жой)

Биз, _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ____ -уй ____ -хонадонда доимий пропискада турувчи, _____ йилда туғилган (паспорт серияси __, рақами _____, _____ йилда _____ туман (шаҳар) ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага берувчи деб юритилади) бир томондан ва _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ____ -уй ____ -хонадонда доимий пропискада турувчи, _____ йилда туғилган (паспорт серияси __, рақами _____, _____ йилда _____ туман (шаҳар) ИИБдан берилган) (бундан буён матнда Ижарага олувчи деб юритилади) иккинчи томондан ушбу келишувни қўйидагилар ҳақида туздик:

1. Биз томонимиздан, Ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар), _____ МФЙ, _____ кўчаси (мавзеси, даҳаси) ____ -уй ____ -хонадонда жойлашган кўчмас мулкни (уй-жой, квартира, нотураж жой ва ҳоказо) _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар) давлат солиқ органи томонидан 20__ йил «__» _____ куни рўйхат бўйича _____ реестр рақами билан ҳисобга қўйилган ижара шартномасини ўзаро келишувимизга асосан бекор қиламиз.

2. Мен Ижарага олувчи ижарага берилган кўчмас мулкни тўла-тўқис ва яроқли ҳолда Ижарага берувчига қайтардим, мен Ижарага берувчи эса ижарага олинган кўчмас мулкни тўла-тўқис ва яроқли ҳолда Ижарага олувчидан қайтариб олдим.

3. Ижарага берилган кўчмас мулкнинг ижара ҳақи ва коммунал тўловлари бўйича бир-биримизга нисбатан ҳеч қандай эътирозларимиз йўқ.

4. Ушбу келишув Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 13-моддаси, Фуқаролик кодексининг 539 ва 579-моддаларига асосан _____ вилояти (Республикаси), _____ тумани (шаҳар) давлат солиқ органида ҳисобга қўйилиши лозим.

5. Мазкур келишув тарафлар томонидан уч нусхада тузилиб имзоланди, улардан бир нусхаси давлат солиқ хизмати органида сақланади, қолган нусхалар тарафларга берилди.

Келишувнинг мазмуни ва моҳияти бизга тушунарли ҳамда бизнинг асл мақсадимизга мувофиқ келади.

Томонларнинг яшаш манзиллари:

Ижарага берувчи:

Ижарага оловчи:

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи (Ф.И.О.)

Ижарага оловчи (Ф.И.О.)

Имзо _____

Имзо _____

Изоҳ: келишув шартларига тарафларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги
келишувни ҳисобга қўйиш тўғрисида
С Ў Р О В Н О М А**

1. Ижарага берувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Юридик шахсинг номи	
Ижарага берувчининг идентификация рақами (СТИР)	
Яшаш жойи (юридик манзили)	
Телефон рақами	
Электрон почта манзили	

2. Ижарага олувчи тўғрисида маълумот:

Ф.И.О.	
Паспорт серияси ва рақами	
Юридик шахсинг номи	
Ижарага олувчи юридик шахсинг идентификация рақами (СТИР)	
Яшаш жойи (юридик манзили)	
Телефон рақами	

3. Ижарага берилган кўчмас мулк тўғрисида маълумот:

Кўчмас мулкнинг тури	
Жойлашган манзили	
Ижарага берилган майдон	
Ижарага берилган сана	
Ижарага берилган муддат	
Бир ойлик ижара ҳақи тўлови (сўмда)	
Ижара ҳақининг умумий суммаси (сўмда)	

Сўровнома берувчи:

(имзо)

(Ф.И.О.)

(сана)

Кўчмас мулк ижара шартномаларини
давлат солиқ хизмати органларида мажбурий
ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Кўчмас мулк ижара шартномасини бекор қилиш ҳақидаги
келишув ҳисобга қўйилганлиги ҳақида
Б И Л Д И Р И Ш Н О М А**

Ижара шартномасининг реестр бўйича тартиб рақами: _____

Ижарага берувчининг Ф.И.О.
(юрлик шахснинг номи): _____

Ижарага берувчининг яшаш жойи
(юрлик шахснинг манзили): _____

Ижарага берувчининг идентификация
рақами (СТИР): _____

Ижара шартномаси ҳисобга олинган сана: 20__ йил «__» _____

Ижара шартномаси амал қилиш муддати: 20__ йил «__» _____

Ижарага берилган кўчмас мулкнинг жойлашган манзили: _____



Мазкур ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-кодни* махсус мобил илова орқали текшириб кўришингиз ёки ушбу ҳаволага (кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувнинг электрон шаклига ҳавола) кириб кўришингиз мумкин.

* QR-коди текширилганда кўчмас мулк ижара шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги келишувнинг электрон шаклининг XML форматига ҳавола шаклланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

822 Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1497-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610-сон қарори (рўйхат рақами 1497, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 215-модда) билан тасдиқланган Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 сентябрь,
29/8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
8 сентябрдаги 29/8-сон қарорига
ИЛОВА

Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«барча қисқа валюта мавқелари жами суммаси — барча турдаги чет эл валюталари бўйича қисқа очик валюта мавқеларининг жами йиғиндиси;

барча узун валюта мавқелари жами суммаси — барча турдаги чет эл валюталари бўйича узун очик валюта мавқеларининг жами йиғиндиси;»;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 октябрда эълон қилинган.

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 5-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Очиқ валюта мавқелари жами суммасининг ҳақиқий ҳажми барча қисқа ва барча узун валюта мавқелари жами суммаларини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқишда ҳамда барча очиқ валюта мавқеларини ҳисоблаб чиқишда аниқланади.».

3. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Тижорат банкларининг миллий валютани чет эл валюталарига нисбатан қийматининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган валюта хатарини чеклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тижорат банклари учун очиқ валюта мавқеларининг қўйидагилар бўйича чегаралари белгиланади:

чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича;

очиқ валюта мавқеларининг жами суммаси;

барча қисқа валюта мавқелари жами суммаси;

барча узун валюта мавқелари жами суммаси.».

4. 9 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 13-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Тижорат банклари ўзларининг филиаллари учун очиқ валюта мавқелари лимитларини мазкур Қоидалар билан белгиланган талаблар доирасида мустақил равишда белгилайди ва бу ҳақида уларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.».

6. 14-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк томонидан ўтказилаётган текширув маълумотлари;»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«тижорат банкларининг баланс ҳисобварақларининг кунлик мониторинги.».

7. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Очиқ валюта мавқеларининг лимити ошириб юборилган ҳолларда ёки ҳисобот тақдим этилмаганда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг қарорига асосан тижорат банкига нисбатан қонун ҳужжатларда белгиланган жавобгарлик чораларини қўллаши мумкин.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 6 октябрдан 12 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 5-мб-сон «Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2479-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 31 августдаги 01-02/12-59-сон «Чет эл товарларини ташиш жараёнида божхона тўловлари тўланишини таъминлашни ваколатли шахслар билан реал вақт режимида интерактив шаклда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2823-1.

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкмаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3076.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 14 сентябрдаги 22-2018-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2945-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 24 сентябрдаги 243-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул

қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 10 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 18-2018, 22-қ/қ, 122-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 129, 2018-73-сон «Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2902-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 2018-65-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3077.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 сентябрдаги 29/8-сон «Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1497-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкласини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2720, 2015 йил 19 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 8 октябрдаги 482-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қодаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1417, 2004 йил 5 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1417-1, 2013 йил 22 май), (рўйхат рақами 1417-2, 2015 йил 25 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 10 июлдаги 362-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.